

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

• БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА



Ҳақиқатан ҳам севимли актёримиз миллионерларга ўхшайди. Ҳаётда ўта вазмин, ўйчан. Қадам босиши ҳам бошқаларникидан бутунлай фарқ қилади. У кишини билмаган, танимаган одам тўсатдан учратиб қолса ҳойнаҳой Тошкент шаҳрининг бирорта бизнес бурчагида директор-директор бўлса керак, деган хаёлларга бориши турган гап. Бироқ Эркин ака миллионерликни пул ва бойлик билан ўлчамакан. Шунинг учун ҳам — Миллионермисиз? — деган саволимга: — Албатта, ҳаётда ҳеч кимдан орқада эмасман. Худога шукр, болаларим — давлатим, санъатим — роҳатим, мухлисларим — бойлигимдир, — дея тип-тиккасига жавоб берди. Савол кетидан яна: ҳаётда саводхон, ақлли, уддабурон, қалби гўзал, адолатли, эрксевар, меҳнаткаш, довурак, ҳақиқатгўй, савобли иш қилишни қанда қилмайдиган, меҳр мурувватли қўйингки одамийликни белгилловчи барча зебу зийнатларни ўзига мужассам қилиб олган пулдор киши бўлиши мумкинми, деган даҳанаки сўровни шартта у кишининг олдига кўндаланг ташладим.

— Тўғриси айтсам юз кўриниши ўта совуқ, қадди-қомати кўтилмаганда сизни ранжитиб, қилиқлари тезда меъдангизга тегадиган кишилардан кўпам ички гўзаллик, маънавий ва ақлий етуклик кутаверманг...

Дарвоқе, Эркин Комилов миллионерми? Бу ҳақда 6-саҳифада ўқийсиз.

Нормурод МУСОМОВ сурати

## УШБУ СОНДА:

Жуманазар БЕКНАЗАР

**ГИПНОЗ БИЛАН ДАВОЛАБ  
БУЛМАЙДИ**

3-БЕТ

Уста Очил Ҳазрат:

**ТУЙГА АЙЛАНГАН ЖАНОЗА**

4-БЕТ



## КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

Дилбар РАҲИМ қизи:

**МЕН ОИЛАЛИМАНМИ?**

Ражабгул:

**ЎЛИМГА ЕТАКЛАГАН  
ХИЁНАТ**

## «ЙИҒЛАЙ—ЙИҒЛАЙ» ЎЛГАН ЧУМЧУҚЛАР

Учинчи синфда ўқирдим... Болалар билан кўча-миздаги қатор ўсган толларнинг орасида югуриб-елиб ўйнардик. Кўлимизда «чўзма» (рагатка) чумчуқ овлардик. Негадир ўша пайтлар чумчуқ дегани ҳам кўп бўларди, энди билсам, тол кўп ўсган жойда чумчуқлар ҳам сероб бўларкан.

Бир куни каттакон толнинг устига чиқиб, чумчуқ уясига қўл солдим. Кўлимда безовтаганиб, учта «жишбаба» чумчуқ боласи чирқиллаётган бошлади. Иккитасини кейинги «эрмакка» қолдириб, бирини олиб тушдим. Болалик экан, ҳали туки ҳам чиқмаган чумчуқчани болаларга кўз-кўзлаб, у ёқдан-бу ёққа олиб юрдиму охири қўшни-мизнинг мушугига ем қил-

дим...

Кечга томон толларнинг устида она чумчуқлар кўпаяди. Бояги толнинг устида чирқиллаб учиб юрган чумчуқни мўлжаллаб «чўзма»дан отганим, тасодифни қарангки, «топ» этиб ерга қулади. Кўлимга олсам қорни иссиғи қимирламайди. Югуриб ўчоқ олдида уймалашаётган онамга олиб кирдим:

— Бунини, манавини пишириб беринг,— дедим ҳовлиқиб.

Кўлимдаги чумчуққа қараб, онамнинг ачинганидан юзи тиришди-да, деди:

— Улик-ку. Улган нарсани еб бўлмайди, болам. Бекор отибсан шўрликни, энди болалари йиғлайди!..

«Эй-й!» дедиму чумчуқни улоқтирдим. Кўчада ўйинга

маврил бўлиб, бу воқеани тезда унутиб ҳам юбордим.

Эртасига кечки пайт қолган икки «жишбаба» ёдимга тушиб, олмоқчи бўлдим. Толга чиқсам, иккови ҳам ўлиб ётибди. Онам айтмоқчи «йиғлай-йиғлай» ўлиб қолибди-да, дея ўйладим. Бир оз кўнглим ғалати бўлди-ю яна болалик «ташвишлар»им билан андармон бўлиб кетдим...

Буларнинг барини ақлим киргач тушундим. Тушундимки тез-тез ўша воқеани эслаб турадиган бўлдим. Уша воқеадан сўнг кўп ўтмай онам вафот этди. Аммо мен йиғлай-йиғлай ўлиб қолмадим. Шунчалар шафқатсизликлар қилган одам онамдан айрилса ҳам ўлмас экан...

Наби ЖАЛОЛИДИН

Етти кун

### ГАЗЕТГА — МИЛЛИОН

Олтинсой тумани ҳокими Тошпўлат Абдураҳмонов қалам аҳли билан тез тил топишадиган раҳбарлардан экан. Ҳокимнинг бевосита сайъ-ҳаракати билан «Олтинсой тонги» газети жамғармасига нақ 5 миллион рубл келиб тушди. Газет муҳаррири Ҳайитали Раҳмоновнинг оғзи қўлогидан, ҳоким бувани мақтагани-мақтаган. Ишқилиб, бошқа газеталарнинг пешонасига ҳам шундай ёруғ кунлар битилган бўлсин-да!

### «ШЕРДОР»

Самарқандда «Шердор» номли янги пиво сотувга чиқарилди. Ичимликни Самарқанд пиво заводи мутахассислари арпаннинг маҳаллий навлари асосида тайёрлашган. Пивоҳўрларнинг айтишича, «Шердор»нинг қуввати анча кучли эмиш.

### АДАШИШ ҚИММАТГА ТУШДИ

«Мевали» давлат ҳўжалигида истикомат қилувчи фуқаронинг кўнгли пивога эмас, винога кетди. Бироқ, кўзи адашди ми ёсли сал кайфи бормида, бехос... дихлафос ичиб юборди. Уни зудлик билан касалхонага элтишди, аммо ҳаётини сақлаб қолишини иложи бўлмади.

### МИЛЛИОНЕРЛАР ҲАЁТИДАН

Деновлик тижоратчи Русиядан 5 миллион рублга «Мерседес» олиб келиб, бозорга чиқарди. Оёқ тираб, 11 миллионга сотди. Деновлик яна бир, «ишбилармон» эса ундан-да, осонроқ йўлни танлади — шарикли ручка олиб сотиш билан машғул бўлди. Икки ойлик меҳнат уни миллионерлар сафига қўшди-қўйди. У ҳар ҳафта Самарқанд, Сирдарё тарафларга йўл олар, қайтишда эса халтаси тўла бўларди. Ихчамгина юк — на миршаб шубҳаланади, на ўғрининг назари тушади.


### АНДИЖОНДА ТҮЙ БҮЛДИ

Футбол ишқивозларига Баҳодир Раҳмоновнинг номи, албатта таниш. Андижоннинг «Спартак», «Автомобилчи», Тошкентнинг «Пахтакор», Наманганнинг «Навбахор» жамоаларида ўйнаган, ҳозир эса Находканинг «Океан» жамоасида тўп сурмоқда. У ўзбек миллиятига мансуб футболчилар орасида Русия олий лигасида қатнашаётган ягона ўйинчидир. Владикавказнинг «Спартак» жамоаси дарвозасига киритган тўпи учун ҳамюртимиз 500 доллар билан қамқирланди.

Куни-кеча Андижонда Баҳодир ва унинг ўкаси, «Турон» жамоаси ўйинчиси Нодирбек Раҳмоновларнинг тўйлари бўлиб ўтди. Тўйни қизитган санъаткор-у, дўст-ёрлар ака-укага оилавий ҳаётида ва футболда омад тилашди, дея хабар беради «Андижоннома» газети.

### КИР СОВУНДАН ТАШВИШ ЙҶҚ

Бир замонлар атиги 19 тийин турган кир совуннинг нархи сурхондарёлик чайковчилар қўлида қарийб минг сўмга чиқиб кетди. Ҳафтасига совуннинг ўзига 3—4 минг сўм сарфлаш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Энди Олтинсой туманининг Вахшивор, Чнор, Бодихово каби қишлоқларида қўбола совун тайёрлашмоқда. Уларни ишлатаётган бекалар «бошқа совунлардан ҳеч камми йўқ» дея мақтовини келтирмоқдалар.



## «ХУЖУМ» БАРИБИР КЕРАК»

Шаҳрисабзда азал-азалдан ҳунармандчиликка, асосан қўл ҳунарига кўп эътибор қаратилган. Бу ердаги қайси хонадонга кирманг, кашталару гиламларга боқиб кўзингиз қувнайди, тасанно дейсиз. Бу юртининг қизлари тиккан дўппилари, тўқиган гиламлари бутун юртимизда танилган. Ҳозирги кунда кўпгина вилоятларда бўлмаган бадий ҳунармандчилик фабрикаси бу ерда мавжуд.

Мен «Хужум» фабрикаси ёнидан ўтганимда мўдум 30-йиллардаги машҳур «халқ ҳаракати» ёдимга тушар ва таъбим хира тортарди. Аммо бу сафар, корхона ҳаёти билан танишиб, фабрика директори Тоғмас ака Азимов билан бўлган суҳбатимиз фикримни бутунлай ўзгартирди.

— Ҳар ёмоннинг бир яхши тарафи бўлади, дейдилар. Ҳақиқатан ҳам корхонамиз ўша «ҳаракат» натижасида 1928 йил ташкил этилган. Ҳозирги кунда икки ярим мингга яқин ишчиси бор. Шунинг 93 фоизи хотин-қизлардан иборат.

Барибир шунақа корхона керак. Чунки халқимиз орасида қадимий ҳунармандчилик турлари давом этиб келяпти. Биз бунини келажак ав-

лодга етказиб бериш учун ҳам масъулмиз. Қолаверса, бу мерос. Худога шукр, хотин-қизларимизнинг барчаси одоб-ахлоқли. Биз улар учун қўлдан келганча шарт-шароитлар яратиб турибмиз.

— Аёл киши онадан узоқлашдими, барибир ҳамма иш ўлда-жўлда қолади. Бу масаллага қандай қарайсиз!

— Бугунги кунда бирор жойда ишламаган аёлни кам топасиз. Давр, шароит шуни такозо қилляпти. Аммо ҳар на бўлганда ҳам аёлларимиз оиласидан узоқлашмаслиги керак. Биз уларга эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ингликлар яратамиз. Ишчиларимизнинг «айримлари уйда ишлашади. Биз уларни зарур эҳтиёжлар билан таъминлаймиз ва маҳсулотларини қабул қилиб оламиз. Бу йўл кўп болали аёлларимизга жуда қўл келади. Оиладан ажралмаган ҳолда корхонада ҳам ишлайди. 1991 йилнинг декабридан эса имкониятларимиздан келиб чиқиб, 7 соатлик иш кунига ўтдик. Хотин-қизлар мамнун, хуллас ишлар чакки эмас.

— Нарх-наво кундан-кунга ошиб турибди. Иш ҳақи билан таъминлаш корхоналар

учун оғир. Шу сабабми кўпгина жойларда штат қисқариши авжида. Сизлар бу борада қандай чоралар қўллаяпсизлар!

— Бизда иш ҳақини зўр деёлмасамда, ҳар қалай фойда бор. Уч йилдан буён ҳар ойда иш ҳақини ошириб бораёмиш. Штат қисқариши ҳисобига ойлик маошини кескин оширишимиз ҳам мумкин. Аммо, ишсизлар сони кўпайиб бораётган бир пайтда бу йўл ўзини унчаюм оқламайди деб ўйлайман. Агар ишчи бор қуввати билан ишлаётган экан, нега у қисқаришга тушиши керак. Аксинча, биз унга иш топиб беришимиз керак. Мен шу йўл тарафдориман. Кўпгина режаларим бор. Олдиндан жар солмайликда, амалга ошаверсин, ўшанда мақтансанк янашади.

— Ҳунармандчиликнинг энг ноёб турларини кўриб, рости жуда хурсанд бўлдим. Сизларни ҳимоя қиладиган бирор бир давлат бирлашмаси борми!

— Фабрикамиз республика бадий ҳунармандчилик концернига қарашли. Фонд орқали улар бешини хом ашё билан таъминлаб туришлари керак. Масалан, тикув ишлари учун бир йилда бир

милён метр мато ажратилиши керак эди. Аслида эса 300 минг метр ажратилди. Берсанг ейман, урсанг ўламан дейдиган пайт эмас. Қарерда хом ашё бўлса сотиб оламиз. Ишга совуққон бўлсак, ота-боболаримиздан ўтиб келган меросимизни йўқотиб қўйиб, одатдагидек, қарсак чалиб, аюҳаннос сола-мизми?! Ҳозир фабрика хўжалик ҳисобига ўтган, энди маҳсулотларнинг сотилишига ҳам ўзимиз жавобгарми. Халқ эҳтиёжига қараб моллар етказиб беришни мақсад қилганмиз.

— Сотувга чиқараётган маҳсулотларининг нархи билан ҳам таништирсангиз.

— Нарх-наво ўзгариб турибди. Бугунги аҳвол эртага тўри келмаслиги мумкин. Шундай бўлсада баъзиларини айтиб ўтишим мумкин. Полюснинг 1 кв. метри 13 минг, қалин гиламнинг 1 кв. метри 50 минг, санома дўппиларимиз 7 минг сўмдан...


Яқиндан бошлаб нухсалар тайёрловчи ижодий гуруҳ ва совғалар чеҳи ишга тушди. Юртимизнинг таниш мақсадида шаҳримизнинг энг гўзал жойларини совға молларига туширяпмиз.

— Бу ерда асосан хотин-қизлар ишларкан. Улар билан мўдум биргасиз. Уйга боргач, хотинингиз билан ҳам муомаладасиз. Хотин-қизлар ҳақида нима дея оласиз!

— Кимга қандай билмадим у аммо менга улар билан ишлаш осон. Икки ўғил, бир қизим бор. Худога шукр, шу пайтгача оилам билан тинч-тотув яшаб келяпман. Эмишки, аёлни Оллоҳ таоло эркинини қовурғасидан яратганмиш. Сиз унга зуғум қилиб ҳеч нарсга эришолмайсиз. Қовурга қайрилмайди, синида. Ҳурмат қилиб, яхши муомалада бўлсангиз бирга ишлашдан, яшашдан кўнглингиз тўлади.

Суҳбатимизга хонага кириб келган бош муҳандис Саодат она Васиева ҳам қўшилдилар. «3 синфда ўқирдик. Меҳнат дарси бўлганда биринчи марта шу фабрикага келгандим. Шундан буён фабрикадаман. Онам гилам чеҳида ишлардилар, меросимикан...» Она қулади. Меҳнатидан қониққанларни кўриб, рўҳим янада тетиклашади. Уларнинг режалари амага ошиб, ишчилари бой бўлишини тилаб, хайрлашадим.

Б. ЭНАЗАРОВ



Баъзан жуда ҳайрон қоласан: нахотки оддий ва содда ҳақиқатни тушуниш шунчалик даражада қийин бўлса! Сиз ҳам эшитинг-а. 2 яшар қизалоқ ўткир ичак инфекцияси туйфайли қаттиқ заҳарланди. Бунинг оқибатида унинг буйраклари ишламай, яъни сийдик чиқармай кўйди. Энди унда кўшимча заҳарланиш бошланди. Бу заҳарларни организмдан ташқарига чиқариб ташлаш учун «сунъий буйрак» аппарати ишга солинди. Бу аппарат вақтинча буйракнинг вазифасини ўз бўйига олади, яъни қонни заҳарлардан тозалайди. Бу пайтда буйрақлар дам олиб, ўз кучини йиғиб олгач, яна ўз ишларини бажара бошлайдилар. Орадан 15 кун ўтгач, буйрақлар ишла бошлади, кундан кунга боланинг аҳоли ҳам яхшилана борди. Бундан барчамиз хурсанд эдик. Чунки яна 5—10 кундан кейин қизалоқ соғайиши ва уни умумий муолажа хонасига ўтказиш мумкин эди. Бирок... бироқ айни шу хурсандчилик кунларидека она ўзини «экстрасенс» атаб, одамларни муолажа қилиш билан шуғулланиб юрган кишига қизалоғи ҳақида айтади. Жавоб шунақа бўлибди: «Олиб келинг, икки кунда оёққа тургайиб юбораман». Дўхтирларнинг барча тушунтиришлари бекор кетди. Қанча аччиқ-аччиқ ва тухмат гапларни эшитган дўхтирларнинг қизалоқни шифохонадан чиқаришдан бошқа иложи қолмади. Ушанда ҳам: «Мабодо у кишининг айтганидек бўлмаса, зудлик билан шифохонага олиб келинг»,— дея қаттиқ тайинланди. Йўқ, қизалоқ икки кунда оёққа турмади, балки бир ярим кундан кейин кўзини охиштагина абадий юмди.

Ана энди айтайлик-чи, табобат хусусиятларидан, унинг баъзи бир жиҳатларидан оддий тушунчага эга бўлиш керакми ёки йўқми? Табобатнинг охириги йиллардаги ютуқларидан юзакигина бўлса ҳам хабардор бўлишлик лозимми ёки йўқми? Мулоҳаза қилиб кўринг.

Тўғриси тан олиш керак, охириги пайтларда шифокорларнинг айтганларига ишончсизлик билан қараш авж олиб кетди. Мана бу воқеага эътибор қилинг: Акбаржон чинқириб йиғлай бошлади. Илгарилари ҳам бу хилдаги хараша қилиб йиғлашлар бўлиб турарди, аммо бу сафаргиси бошқачароқ эканлигини она чин юракдан ҳис қилди. Бола ялигсансимон ҳазин тавуш билан инграр, вақти-вақти билан бу инграш дод-фарёдга айланарди, Она унинг ўнг чов соҳасида бир ҳосила дўппайиб чиқиб турганига кўзи тушиб қолди. Бу нима экан? Она бу ҳосилани кўлини тегизиши билан бола оёқларини типирчлатиб баттар чинқирди. Она юраги бутун иллат, дард мана шу шишда эканини ҳис қилди. Энди нима қилсин? Дўхтирга борсинми? Илгари икки марта уларнинг ҳузурда бўлган, аммо улар: «Ҳозирча ҳожати йўқ. Бироз каттарсин. Кейин операция қилармиз. Мабодо бола безовта бўлиб, йиғлай бошласа, зудлик билан бизга олиб келинг. Зинҳор кечикманг!» дейишиб, қайтариб юборишган. Йўқ, яхшиси, Одилжон табибга, боргани маъқул. Ҳам дуолар билан, ҳам гиёҳлар билан даволармиш. Зарур бўлса, қўлидаги нурни ҳам ишлатармиш. Дўхтирга борса... бармоқларини тешиб, аллақандай анализларга оладими-ей, хуллас бо-

## ГИПНОЗ БИЛАН ДАВОЛАБ БЎЛМАЙДИ

(ИККИНЧИ МАҚОЛА)

лани қийнашади. Бир марталик игна-лари борми ёки йўқми, тагин бошқаларга ишлатилгани билан боламга сариқ юқтиришмасин...

Шу гаплар кўнглидан ўтган она табиб олдиға жўнади. Табиб эса дўппайиб турган шишга қараб: «Унинг бу ери газаклабди-ку! Бунга эрмон боғлаш керак. Узингизга ҳам бериб юбораман. Мана шу ўтдан боғлаб турасиз»,— деб она кўнглини тоғдай кўтарди. Она уйига келиб, шис устига кун бўйи эрмоннинг баргини қайнатиб, докаға хўллаб баргларини босиб боғлади. Бола эса баттар безовта-таланар, инграб ихрар, энди кўкимит-ти; сўнгра эса ахлатсимон суюқлик қўса бошлади. Ниҳоят, шифохонага олиб келинган Акбаржон қисқагина ўтказилган муолажадан сўнг, зудлик билан операция қилинди. Дарднинг зўридан анча заҳарланган ва операция пайтида 50 см дан ортиқроқ ичаги қисиб ташланган Акбаржоннинг аҳоли ниҳоятда огир эди. Операциянинг 6-кунини қирқилган жараҳат қисман очилиб, ичак суюқлиги чиқа бошлади. Хуллас, оддий чурраси сиқилиб қолиб, анча кеч операция бўлганидан ичаги чиринган бола яна икки марта операция қилинди. Ниҳоят, 2 ойдан кейингина эсон-омон уйига қайтди. Агар вақтида операция қилинганида эса 6—7 кунда бутунлай соғайишига ҳеч шак-шубҳа бўлмасди. Боланинг бунчалик азоб тортишига ўзи билмаган ҳолда эрмон шифобахш гиёҳини муолажа учун қўллаган табиб айбдорми ёки боланинг онасини? Келингишлар, кенгрок мушоҳада қилайлик. Тўғри, эрмон жуда ҳам шифобахш гиёҳ. Қадим-қадим замонлардан бери шифобахш ўсимлик сифатида ишлатилиб келади. Ҳаттоки «Эрмон» сўзининг маъноси «соғлом» эканлиги ҳам унинг даволаш хусусиятлари анча-лигидан дарак беради. Улуғ бобомиз Ибн Сино унинг қайнатмаси сийдик, ўт, гижоқа ҳайдовчи эканлигини айтади. Унинг қайнатмаси кўз шамоллашига яхши даво, унинг сархил шираси жигар касалликларига яхши кор қилади. Унинг гулидан тайёрланган дамлама безгак, ичак яраси, бавосилга даво бўлади. Эрмон иштаха очади, терлатиб, бош огриқни бартараф қилади, ич дамлашни кетказида. Ҳа, унинг барглари эт узилганида шис пайдо бўлганида, пай чўзилиб, шис пайдо бўлганида шисни кетказида, огриқни қолдириб, беморнинг кайфиятини яхшилади. Эрмондан олинган дори воситасида нафас қисма, экзема, ревматизм касалликлари даволанади. Лекин минг афсуслар бўлсинки, бу шифобахш дори сиқилган чуррани яна қайтадан жойига келтириши мумкин эмас. Наҳотки, бунинг тушуниш қийин бўлса?

Кейинги пайтларда кенг халқ омма-

си орасида «Замонавий дўхтирлар гиёҳлар билан даволашни билмайдилар. Улар фақат таблеткаю, уқоллар билан даволашдан нарига ўтмай қолганлар» деган тушунча кенг тарқалди. Бироқ минг йиллардан бери қўланиб келаётган доривор гиёҳлар замонавий табобатда кенг қўлланилаётганлиги, уларнинг сархиллари устида кенг тадқиқот ишлари олиб борилиши оқибатида таъсири кучли дорилар олиниб, амалиётда ишлатилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирги пайтда илмий тиббиётда қўлланилаётган доридармонларнинг тахминан 40—45 фоизини ўсимликлардан олинган маҳсулотлар ташкил қилади. Мустақил Жумҳуриятимиз ҳудудида 4150 га яқин ўсимлик тури бўлса, ана шулардан 580 тури шифобахш ўсимликлардир. Уларнинг барчаси табобат аҳлига маълум. Лекин шунини алоҳида қайд қилмоқ керакки, шифобахш гиёҳларни ўз билганича ишлатмаслик, балки

олдиға мақсад қилиб қўйган касб эгаларининг кўпайишидан манфаатдор собиқ тузумнинг, ҳали ҳам ўзининг маъқени эгаллашга умид боғлаётган сиёсатнинг найранги эканлиги бугунги кунга келиб аён бўлди. Энди эса мустақилмиз. Йўриғимиз бошқа. Аввалиги боқибегамлик ҳолатларидан қутулиб, бир силкиниб, эски чанглари қоқиб ташлаб, ғайрат билан илмини юксалтириш, тиришқоқлик билан ишлаш пайти келди. Қарахликдан уйғонишимиз лозим.

Рухият ва тана ёки вужуд касалликларининг фарқиға бормасдан, тамоман ўзга қонуниятлар йўлидан ривожланувчи хасталикларни даволашга бир хил тизимда ёндошиш иккинчи сабабдир. Минг афсуски, ҳозирги пайтда инсон руҳиятини тушунишда табиблардан, экстраенслардан замонавий дўхтирларимиз анча орқада эканлигини тан олишимиз керак. Инсонлар билан чин дилдан очилиб,

уларга меҳр кўзини бериб, юрак сирлари қат-қатига кириб, дилдан суҳбатлашадиган дўхтирларимиз йилдан йилга камайиб бориши нима учундир қонуниятга айлиб қолди. Кўпларимиз оддий меҳрибонларча гаплашишнинг ҳам удрасидан чиқа олмаймиз. Мана шу сабабли ҳам табобатдан хабари бўлмаган инсонлар энг аввало уларнинг қалбига яқин сўзларни айтиб, яъни руҳиятига таъсир қилиб, анча энгиллик бахш этадиган гипнозчиларга, сохта табибларга, экстраенсларга кўпроқ мурожаат қилмоқдалар. Мана шу туйфайли кўпгина ҳолларда ҳали касалликни даволаш микони бор бўлган пайт бой берилмоқда. Ҳолбуки, руҳиятга оид касалликлар билан организмда туғма норасолик хасталиклари ҳамда органик ўзгариш туйфайли вужудга келган дардлар ва уларни даволаш усуллари осмон билан ерча фарқ қилади ва буни нафақат табобат ходимлари, балки табобатдан мутлақо хабари бўлмаган одамлар ҳам билмоқлари керак. Рухиятга оид ва органик ўзгаришлар сабабли вужудга келган касалликлар муолажаси муаммосига келгуси мақолаларимиздан бирида тўхталамиз.

Жуманазар БЕКНАЗАР



# ТҮЙГА АЙЛАНГАН ЖАНОЗА

Улиб (балки ўлмай) тирилган 22 яшар нурободлик Уста Очил Ҳазрат дейдики: азага айланган тўй деган гапни кўп эшитгансиз, эҳтимол бундай фожиаларнинг гувоҳи ҳам бўлгансиз. Лекин тўйга айланган жанозани кўрмаган (хатто эшитмаган) бўлсангиз керак. Камина кўрган... тўғрироғи, каминани кўришган... Яъники, ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган жиққа гушт пайтим ўлиб... қолганман. Жанозага ҳамма қавму қариндош, аҳли қишлоқ тўпланган. Айтишларича, мендан олдин икки ўғилларини совуқ тупроққа топширган шўрлик ота-онаминг ўкиришию бўзлаши, оҳ-ноласини эшитиб, йиғлаган ҳам йиғлаган, йиғламаган ҳам йиғлаган. Мен учун қабр қовланган.

Кўлларим боғланиб, иякларим танғилган. Қабристонга обкетишларига бир баҳя қолганда... хайриятки, Абдибобо Дангалов (ҳозир нафақада), баданим иссиқлигини пайқаб қолган. **ТАҲРИРИЯТДАН:** Уста Очил Ҳазрат — уста; гишту тошдан тортиб, соч-соқолгача теради. Эшик-роғини нақшлаб ясайди, уйга гул солиб, манзара лавҳ қилади. Тўғри пайқадингиз, зўр рассом бўлишдан ташқари, шоирлик ҳам қилади. Хуллас, собиқ марҳум ўз ўлиб-тирилишини бироз шоирона, қиттак фалсафий тасвирлаган.

\* \* \*

Ер ости совуқ экан, онажон, олиб кетинг! Негадир бу кун уйқум келмапти. Шум тулкиларнинг ҳам ҳайкириқ овозлари эшитилмай қўйди. Нега қип-яланғоч ётибман? Онажон, олиб кетинг бу ердан. Йигирма икки йилдан буён ёпиниб ётган оппоқ мато ҳам чириб тугади. Мана кўринг, кўр-

япсизми, охириги кукунлари қолди қулимда. Секингина олинг, тўкилиб кетмасин. Тўйимизга атаб олиб қўйилган сандиққа яшириб қўйинг. Бахт менга кулиб боққан кунини чинор дарахти экиб, кукунларни дарахт тагига сепамиз, онажон.

\* \* \*

Кўникиб қолдим, ҳар тонг чақалоқлар йиғиси мени уйғотади. Ҳали она сўзини айтилмай жон берган укаларимнинг йиғиси. Балки тушкунликда яшавтганлигим учун таянчларим келиб уйғотаётгандир!

Улғайиб яхши билан ёмонни фарқида борган куним айтишди:  
— Очил, сенинг исминг Улмасбек бўлган. Йўқ, биринчиси Худойназар эди. Сен бир ўлиб тирилган одамсан.

— Қандай қилиб?  
— Бир ёшга тўлмаган гўдаклигингда. Мен келсам сенинг кўлларинг, иякларинг боғланган. Ҳамма дод-вой солиб йиғлашиб, сени у дунёга кузатмоқчи. Вой, худойим, сен жонсиз ётибсан, жонсиз. Нозиккина баданинг, киприк қошларингга кўз югуртирдим. Момикдек оппоқ қоматингни кўриб чўқур хўрсиндим. Аста-секин кўкрагингга кўлларимни теккизсам баданинг иссиқ, юрагинг уриб турибди. Агар ўша вақт тўсатдан келиб қолганимда ҳозир бир ҳовуч хок бўлардинг. Болам, энди сен кўп умр кўрасан.

\* \* \*

Баҳор.  
Тошларга битилган сатрларни ўқиб юрганимда тўсатдан отам чақириб қолди.  
— Бу уч қабр укаларингнинг қабри...  
Тўртинчи бўш қабр кимники экан, ҳайратдан донг қотаман. Наҳотки...

\* \* \*

Оддий ўлим.  
Қўрқаман, қочинглар нигоҳларимдан. Мен ўлган одамман. Ҳозир укаларим умри учун яшайман холос. Қуёшга боққин, унда менинг бешигимнинг акси. Эшитяпсанми, йиғи овозин. Онам бешикка белаб, алла айтаётганиди.

Биз нега келдик дунёга, онажон? Мен яшай олмайман. Тушунинг, тўрт тарафимда ҳам чақалоқларнинг инграган овозлари. Уйғониб кетаман. Бир пас ўзимга келолмай чироқни ёқиб, янги ёзган шеърларимга кўз югуртираман.

Тўхтаб турган совуқ манзара, Чизиб олай чеҳрангни тиниқ. Хатта солиб, йиғлаб минг зора, Юборайин онамга аниқ.

Оддий ўлим. Мен қўрқаман. Кел, яхшиси, дўстлашамиз. Бирга шеър ёзамиз. Хоҳласанг, шеърлар ўқиб бераман. Биласанми, дўстгинам, қишлоғимни жуда-жуда соғиндим. Кел, қўйиб юбор. Бошқалар каби яшай кимнидир севиб.

\* \* \*

Мен ярадор юрак билан дунёга келдим ва кўп ўтмай у дунёни кўмсаб қолдим. Ҳаёт билан видолашган куним она ер бағрини очмади. Раҳмдиллик қилди. Улдиму тирилдим. Ҳеч нарса ўзгармади. Ҳамма мени унутди. Мен ҳали ҳеч кимни унутганим йўқ, ҳаёт.

\* \* \*

Нега юрагимни ўғирлаб ким — кимларнинг бахтига алмашдинг? Энди мен бир умр бахтсиз яшайман, азиз севгилим.

Худога саждалар қилиб, сенинг бахтингни тилаб қоламан.



Отажоним ўз отасини кўролмаган. Уч ёшида отаси қаза қилган.

Қирқ саккизинчи йили ўттиз бошоқ арпа донини ўғирлагани учун тўрт нафар сағир гўдакларни колхўз райиси уч чақирим ердан уйигача қамчи билан савалаб келган. Улар орасида менинг сағир отам ҳам бўлган. Отажон, мен ҳамма учун қайғуролмайман.

Уста ОЧИЛ ҲАЗРАТ

● Аҳмад ЯССАВИЙ ●

## ҲИҚМАТ

*Ҳожат эрмас ишқ дардига даво сўрмак,  
Вайрон этиб кетган эрмиш, давоси йўқ,  
Жонинг қийнаб, ёшинг оқиб, ҳушинг кетиб,  
Ишқ дардидин, дўстлар, қотиғ балоси йўқ.*

*Ҳар ким қуяр жонга олар ишқни йгин,  
Жони куйса аззосидин чиқар тутун.  
Бағри ани сад порадура, йўқтур бутун,  
Халқга зоҳир кўрунуб турган яроси йўқ.*

*Жондан кечмай тобмас жононани.  
Кўруб ҳиммат қилмоқ керак парвонани,  
Кўруб-билиб йтқа урди ўз жонини,  
Суду зиён бирла ҳаргиз парвози йўқ.*

*Анча юрдунг, анча турдунг, эй беҳабар,  
Нафси шайтон ишларидин қилгин ҳазар,  
Биздин бурун тилим карвон қилган сафар,  
Айта келган бу дунёнинг вафоси йўқ.*

*Айтиб йтган эранлардин йўлни сўргил,  
Сахарларда ура кўбуб, чорзарб ургил,  
Ҳу суҳбатин Қурган ерга ўзунг ургил,  
Йўлга кирган эранларни ҳавоси йўқ.*

*Кўл Хожа АҲМАД айди, дўстлар, эшитинг муни.  
Қоф тоғидек тошлар тегса чиқмас уни,  
Кимга айтиб, кимга йиғлай ишқ дардини  
Валлоҳ — биллоҳ ишқ дардини давоси йўқ.*



ХОҲ ИШОНИНГ ХОҲ ИШОНМАНГ  
ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ ҚОР ТУШДИ.

суратчи: Абдул Ғани ЖУМА

**маслаҳатлар**

Тухумни хомлигича еб бўлмайди. Сабаби унда пўчоғидан ўтган микроблар бўлиши мумкин. Бундан ташқари хом тухумда авидин деган модда бўлиб, бу модда айрим одамларда аллергик касаллик кўзгайди. Яна шуниси борки, хом тухумнинг оқи пишганига нисбатан оғирроқ ҳазм бўлади.

Тухумнинг сифатини билмоқчи бўлсангиз ёруғда тутиб кўринг. Тухум бузилган бўлса ичи доғ бўлиб кўрилади. Бундай тухум истеъмол қилишга яроқсиз. Урдак ва гоз тухумлари ошқозон-ичак касалликларини келтириб чиқарадиган микроблар билан зарарланган бўлади. Шунинг учун бу тухумларни овқатга ишлашиш маслаҳат берилмайди.

Рўзғорда тухумни узоқ сақламоқчи бўлсангиз, сирланган кастрюлька ёки челака солиб, устидан

совуқ сув кўйинг. Сувни ҳар ҳафтада янгилаб туришни унутманг.

Сабзи солинган шўрва чиройли бўлади. Каротин моддаси шўрва юзидаги ёққа ранг киритади. Сабзи арчганда қорайиб қолмасин десангиз, ўткир пичоқда пўстини юқа олинг. Арчилган сабзи тез сўлийди. Сувда сақланганда эса С витамини ва минерал тузи кетиб қолади. Шундай бўлмаслиги учун арчилган сабзини идишга солиб, устидан нам латта ташлаб кўйинг. Лекин арчилган сабзи 2-3 соатдан ортқ турмаслиги керак.

Сабзининг витамини йўқолмасин десангиз қозоннинг қопқоғини ёпиб кўйинг. Қопқоғ қилан пичаётган масаллик оралиғи билан кам бўлса, шунча яхши.

Тухум пўчоғи ҳеч қачон тоза бўлмайди. Уни қақиш ёки пишириш

олдидан тузли сувда ювиб олинг. Пиёз тўрагандан кейин пичоқни туз билан ишқаб ташланса, ундан пиёз ҳиди келмайди.

Саримсоқпиёз тозалангандан кейин қўлни туз билан ишқаб ювилса ҳеч қандай ис қолмайди.

Хамир маҳсулотлар қовуриладиган ётга бир чой қошиқ сирка солинса ва олов кучли бўлмаса маҳсулот ўнчалик мой шиммай пишади.

Жигарининг сиртига пахта ёғи суртиб кўйилса, бир неча кунгача яхши сақланади.

Ош тахта ва сабзи тахтачаларни вақти-вақти билан қайноқ сувда совушлаб ювиб туриш лозим. Бундай буюмларни чўтка билан ишқаб ювиш кулай бўлади. Сўнгра совуқ сувда яхшилаб чайиб, шамоллатиб қуритилади.

Маслаҳатларни уй бекаси Доно ҲОЖИЕВА тайёрлади. Тошкент шаҳри.

**Дераза**

**ҲН БЕШ МИЛЛИАРД СЎМЛИК «АКАЦИЯ»**

Одессанинг Аркадий туманида жойлашган «Белая акация» кафеси ким ошди савдосида «бор-йўғи» 15.200.000.000 украин пулига сотилди. Бошланғич суммадан охири айтилган баҳога кафеининг нархи 183 марта кўтарилиб кетди. «Белая акация»нинг янги хўжайини муҳбирлар билан учрашишни лозим кўрмади. Худди шу ернинг ўзида ҳали қуриб битказилмаган сийёсий маориф уйи ҳам «Украина» ҳиссасдорлик тижорат банки томонидан 3.300.000.000 украин пулига сотилган.

**МАРИЯГА АТАЛГАН ПУЛЛАР**

Арманистон фуқароларидан бири пул топишининг антика йўлини топди. У Ереваннинг марказий бозорида 25 сўм. эвазига «Оддий Мария» кинофилмининг охири қандай тугагани гапириб беради. Одамлар анойи эмас, бунинг учун пул беришмайди, дея кўрманг. Беришяпти, бергандаям қандоқ! Ахир Ереванда электр токнинг ўчирилганлиги Мариянинг мухлисларини шундай йўл туттишга мажбур қилаяпти-да.

**СЕВГИНИНГ КЎЗИ КЎР**

Олмониянинг Плауен шаҳрида 29 яшар йигит ва 88 яшар нафақахўр кампир никоҳдан ўтишди. Валли Хене ва Лотар Шиллер — қўшлар. Йигит кўпинча унинг уй юмушларига кўмаклашар, у эса йигитни картошка салати билан сийларди. Шу тариқа муҳаббат юзага келди. Никоҳ маросимига кўёв одми қора костюмда, келинпошша эса шиппагини ҳам кўшганда бошдан-оёқ оқ либосда келди.

**СУВ БЎЛАЕТГАН ПУЛЛАР**

2000 йилда ўтказиладиган Халқаро олимпиада уйинларига соҳиб чиқиш учун дунё кассаларининг оғзи шу қадар очилдики, пуллар сув каби оқа бошлади. Номзод шахарлар орасида Сидней бугунга қадар 40 миллион доллар, Манчестер эса 20 миллион доллар сарфладилар. Истанбулнинг бутун харажатлари 9 миллион долларни ташкил этади. Пекин эса Олимпиада учун кетган харажатларни сир тўтмоқда.

**МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ.**

**ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР**

**БЕНЗАЛОН (бициллин) до-ри сотиб оламан.** Тел: 39-43-95

**ЛИФ-52, ЭСЕНЦИАЛ дори керак.** Ҳожатпарвар азизлар шу дориларни топишга ёрдам беришларингизни илтимос қиламан. 39-16-85.

**Биз — уч нафар талаба ижарада туришга жой излаймиз.** Ижара ҳақи 3000 минг сўмдан ошмаса [одам бошига]. Манзилмиз тахририда.

**3 хонали шаҳар марказидаги ҳовли уйни кўп қаватли 2 хонали уйга алмаштираман.** 39-16-85



БОЛА БОШИДАН...

Р. АЛЬБЕКОВ сурати

**Табриклаймиз!**

Ҳурматли ва азиз **НОРҚО-БИЛ** ака!

Сизни 3 ноябрда тўладиган қирчиллама 32 ёшингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Сермашаққат журналистик фаолиятингизга, ижодий ишларингизга улкан ривож тилаймиз. Хотиржамлик ва эзгу ниятлар доимо ҳамроҳингиз бўлсин. Узингизга худо қуваат берсин!

Ҳурмат билан бир гуруҳ дўсту кадрдонларингиз: **НАСИБАХОН, МУХАББАТХОН САОДАТХОН.**

Қизалоғимиз **ЭРГАШОЙ!** 11 ноябрь тўғилган кунинг — дунёга кўтлуг ташрифинг муборак бўлсин. Сенга

Оллоҳ меҳри доимо ҳамраҳ бўлиб соғ-саломат ўсиб-ўлғайгин. Бахтли-тахтли, қалби гўзал инсон бўлгин. Онанг **МИСРАТ, отанг ШУХРАТ.** Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани.



Мунис ва мўғтабар она-жоним Маҳтоб **НИЗОМОВА!** Мен сизни 12 ноябрда — 37 ёшга тўлишингиз билан табриклар эканман, Сизга Бухорою Самарқанднинг навқиронлиги, гўзал табиатнинг гўзаллигини тилаб қоламан. Фарзандларингиз бахтисиза ҳамини соғ-саломат бўлинг. Ўғлингиз **Жўрабек ҲАМРОЕВ,** Тошкент Давлат Ма-

даният Олийгоҳининг Омма-юним байрамлар режиссёри қўлلىётининг 2 курс толиби.

Отажонимиз **Тургунбой ИРИСОВ** ўғли!

Сизни муборак 60 ёшингиз билан чин юракдан қўтлайман. Сизнинг бундан кейинги ишларингизга улкан ривож, ўзингизга мустақкам соғлиқ тилайман. Талаба ўғлингиз **КАМОЛЛИДДИН.** Тошкент — Олмалик.

Мамлакатхон! 10 ноябрь тўғилган кунингиз муборак! Сиздаги ҳайрат, шижоат, гўзаллик бир умр ҳамроҳингиз, умрингиз узун бўлсин.

Дилбар, Тошкент шаҳри

**Оила**

**23 ЁШДА**

Хоразм вилояти, Ургенч шаҳрида яшайман. Бўйим

190 см 100 кг, спорт билан шугулланаман, Ургенчга келиб яшайман деган 18-24 ёшгача бўлган, оилам, рўзгорим дейдиган меҳрибон, одобли қизлар бўлса, яқиндан танишмоқчи эрдим. Эрдан ажрашган ҳам бўлса бўлаверади. Мен уйланиб ажрашганман. «Оила-261».

**37 ЁШДА**

Тошкент вилоятининг маълумоти ўрта, оғир-босиқ, оиласи билан ажрашган, ёлғиз яшайдиган эр киши, ажрашган. 32 ёшгача бўлган [уй-жойи бўлса янада яхши] ўзбек миллатига мансуб оилам дейдиган, [фарзандли бўлса ҳам майли] аёл билан яқиндан танишиб оила қурмоқчи «Оила-262».

**53 ЁШДА**

Тошкент вилоятининг Зангиота тумани, Мирзо Улуғбек жамоа хўжалигида истиқомат қиламан. Миллатим

қоқо, хотиним вафот этган. Томорқадан оладиган даромадим бемалол хўжалик тебратишга етиб ортади. Уғил-қизларим уйли-жойли бўлиб чиқиб кетишган. Қайси миллатидан қатъи назар 53 ёшгача бўлган аёл бўлса ўн ўз никоҳимга олиб тотув оила қуриб яшасам дейман. «Оила-263».

**ИЗОҲ:** Қуни-кеча тахририятигизга қувончли хабар келди. «Оила-150» абонент-дақи акалми ўз жуфтларини топиб оила қурди. Биз шу фурсатдан фойдаланиб, уларни газетимиз орқали чин қалбдан табриклаймиз. Келгусида ибратли, ҳавас қилса арзигудек оила бўлиб етишишларига тилдадошимиз.

«Оила-250, 249, 252, 245, 201, 135, 203, 204» абонент-дақи азизлар тахририятга келиб учрашиб кетишларингизни сўраймиз. «Оила» бўлими.



Уйлаб қолдим. Негадир у кишининг гаплари тўғри эканлигига юз фоиз ишонгим келди. Ҳа-да, қадди-қомати теварак атрофга эмас, ҳатто ўзинга ҳам ярашмайдиган одамлар эмас дунёда! Олинг, баъзи колхоз раисларидан, илгариги парткомлардан гапирайлик. Боринги, бугунги баъзи кўли чаққон, акликурс олди-сотди-чилардан, ҳаммаси бир хил — жаваба қориндор. Чариллаб кетган қоринлари машина рул чамбарагига тегиб қолган. Телевизорга чиқиб, одамларга ҳалол бўлишни даъват этадиган баъзи бир кишиларнинг ияк остидаги бақ-бақаси етти қават. Худди сим билан тикиб қўйилган чакки халтага ўхшайди.

Мен ўзимча Эркин ака айтган фикрларни ёдимда қайта пишириш билан бандман. У киши эса бир зумда худди театрдагидек образга киришиб кетди:

Расул бир умматин алқаб доимо, Шағонга дуолар айтғувчи эди.

Қўлинг балинд бўлсин десалар илло, Қўлинг паст тушимсан сира ҳам дерди

Расулга у хитоб қилди бир сафар: — Гарчи мен тангрининг отган тошиман.

Сиз менга доимо тилайсиз зафар, Гўё мен қандайдир лашкарбошиман.

Расулчулоқ деди:— Тингла эй уммат, Енаен чирогинга дуо пиликдир.

Қўлинг балинд бўлса, билик, бу неъмат,

Қўлинг паст тушмоғи тиланчиликдир.

...Шунақа гаплар дўст. «Юзсиз» фильмини кўрдингизми? Бош қахрамоннинг башараси ғажир-ғужур чандиқ эди. Даволаниб келди. Тўппа-тўпуқ одамга айланди. Аммо барибир ўз ҳолига қайтди. Сабоби унинг ичи қора, ўта такаббур ва хасис эди. Охири ўзи қазан чоғга ўзи қулади.

Эҳ, Эркин Комилов, Эркин Комилов! Зур одам экан. Ҳама нарсасдан хабардор. Шейр, монолог айтишни оч бўридек «еб» кўяди. Кулдиришни Ҳожибой Тожибоевдан ўтказса, ўтказари, кам кетмайди чамамда. Ингланг десангиз, хонангиз тўпанда кўз ёшга. Юрагингиз бўшашиб сиз ҳам йнглаб юбормасангиз унинг кўзёшлари сохта экан деяверингиз.

— «Гирдоб» видеофильмини олашда жуда кўп йнглаганман, дўст. Асардаги Азиз Қосимовнинг торган азовларидан унинг образини яратётган каминанинг бошига тушган ташвишлар мунг чандон ортиқ. Эсингизда бўлса, унда шундай эпизод бор: Олимлар амалга оширилган илмий ишнинг муҳокама қилиш учун йнғилган пайтда Расул Оллоёрович билан Муҳиддин Жабборов Азиз Қосимовни кўпчиликнинг олдига нокамгарга, ношукрга чиқариб зўғум қила бошлайди. Шу маҳал алам устиди уларга айтган гапимни айтдим, юрагимни ушлаб ўрнинга ўтириб, қолдим. Худди шу кез юрагим росманасига уришдан тўхтаб қолаётгандай. Санъат шунақа эканки, ҳатто ўинга, хотин, бола-чақамнинг олдига ҳам бир неча кун Азиз Қосимов марклда яшаганман. Худога минг марта лаб шукр, кўндан кўп ҳузур-ҳаловатимдан кечганимга яраша видеофильм томошабинларнинг кўнглидан жой олади. Яратган образим театр ишқибозларига маъқул бўлди. Ушбу образ бугунги Эркин Комилов дара-

қилиш керак? Яна Шукур Бурхоновни ўрмага қўшдим. Хуллас, бошлиқ илгариги муҳлатга қўшимча қилишга мажбур бўлди ва гап орасида қочирриқ қилиб шу вақт мобайнида уйлансам, иккита фарзандли бўлсам, ҳарбий мажбуриятдан бутунлай озод этилишимни айтди. Мен ҳам бўш келмадим. Уйланганлигимни, хотинимнинг эса албатта эгиз туғишини ҳазиллашгандай бўлиб қистириб ўтдим. Қаранг, дўст, ўша пайтда фаришталар омин деган экан, худди айтганимдек бўлди. Хотиним эгиз туғиб берди бирдан. Ҳарбий бошлиқ олдига кейинги сафар иккита гувоҳнома кўтариб бордим. Бирисига Фотима, иккинчисига Зўҳра деб ёзилган. У киши сираям ишонмайди, ҳужжатининг биттаси қалбаки, деб турди олди, денг... Шундай қилиб берган ваъданинг устидан чиқиб, ҳарбий хизматдан бутунлай озод бўлдим, дўст.

Аслида Эркин ака билан шу йилнинг баҳорида гаплашишни ният қилиб қўйгандим. Уша пайтда мамлакат кинотеатри экранларида у киши бош ролни бажарган «Юзсиз» фильми эндигина кўйилаётган эди. Бироқ суҳбатни орқага қолдиришга мажбур бўлдим. Сабоби сеvimли актёримизнинг рафиқаси таниқли актриса

одам «Э-Эй, ошна, улар қолиб сен ўтиб кетдингми, ўқиниша, сен-а-а!» деган кинояли маънони ўқини турган гап эди. Шунақа ишлар, шунақа савдолар ҳам ўтган бошимиздан, вақтида дўст.

Уша, мазмуни ҳар бир гапнинг ярмида «дўст, дўст» деб такрорландиган актёр акамиз ҳақиқатдан ҳам биз яшаб турган дунёнинг энг дардчил одамларидан. Иложи борича, ҳаётнинг ҳар бир соҳасида ўртамийоналикдан қочади. Доимо амал қилиб яшайдиган ақидаси битта: «Е ҳаммадан юқори бўл ёки бутунлай пастлаб казо-қазоларнинг оёқ ости билан теппа тенг юр» Салкам тўрт соат суҳбатлашган бўлсам, 15—20 шеърини тил учиде қалаштриб ташлади у. Омон Матжон, Абдулло Орф дейсизми, Рауф Парфи, Усмон Азим дейсизми, истасангиз Муҳаммад Юсуфдан «заказ» қилинг. Оҳангин эшиб, юракнингизни тешиб юбормасе ўлай агар. Навоий, Бобур, Отағий ғазалларини сув қилиб ичган. Бир учрашмасдан, бир дардлашмасдан «Эркин Комиловни жуда яхши кўраман» дейиш... нари борса мактанчоқликдан бошқа нарса эмас экан. Аслида биз яхши кўришни ҳам билмас эканмиз.

Эркин ака оиласида нечанчи фарзанд эканлигини мен ҳам билмайман. Аммо шуниси аёни, у кишининг онаси умри мобайнида 22 фарзанд туққан. Кўз теккан эканми, фарзандларининг кўпи ҳаётга бир

## АКТЁР ЭРКИН КОМИЛОВ МИЛЛИОНЕРМИ?

жасига кўтарилишимда катта аҳамият касб этди. Бунинг учун албатта, раҳматли хотиним Мўғтабархондан ўла-ўлгунча миннатдорман. Агарда у менга сидқидилдан ёрдам келмаганда, вақтида ҳамдард бўлиб, гоҳида малаҳатлашиб, тўғри тушуниб кўмақ бериб турмаганда мен ҳозирги обрўимнинг ярмига ҳам эришолмасдим.

Тақдирнинг ёзилиши шунақа экан дўст. Ҳаётда ҳар ким ўз ўрнини билиб яшаса нима қиларкин?

Гапдан гап чиқиб Эркин аканинг дард халтасининг оғзи бўшаб кетди. Яхшиямки, гурунгимиз бошида ҳаётга оид анчамунча воқеаларини сўраб олган эканман. Бўлмаса, бу ҳақда айнан шу холатда лоллим демасди. Тўғри-да, суҳбатдошининг оғзи куйган бўлса-ю сен ундан пайтава ўрашни сўрасанг, қандай бўлади ахир!!

Гурунгимиз қизигандан қизиди. Анчамунча сикретлар ҳам чекилиб кетди:

— Институтни битириб, эндигина театрга ишга келганман. Режиссер «Шоҳ Эдил» спектаклидаги Ҳоққон

ролини ўйнашимни таклиф қилди. Ишнинг ҳали туғатиб ўлгурмасимизданоқ

армияга қақриб қолди. Сочим ишшилдири қилиб олинган, эғнимда юк халта, қайққа жўнайсан, армияга!

Кел, сўнги бор бир театрга ҳам кириб ўтай дедим. Кирдим, раҳматли устозим Шукур Бурхоновга дуч келдим.

— Э-э-ҳей, Ҳоққонбой, йўл бўлсин?

— Армияга,— дедим тиржайиб.

— Театрчи, спектакл нима бўлади?

Шуни билгинки, сен актёрсан. Ҳақиқий актёрдан оддий рабчоком ҳам чиқмайди? Тушундингми?

— Билмасам.

— Қани, кетдик, бошлигинга ўзим бораман.

Иккаламиз ҳарбий комиссариат бошлиғига учрашдик. Шукур ака малакани ётиги билан тушунтиргач, хизматга боришимни 6 ойга кечиктиришди. Бу орада уйландим. Муддати етиб яна комиссияга қақришди. Нима

Мўтабар опа бевакт оламдан ўтган экан. (Жойлари жаннатда бўлсин). Шу бос ҳам актёр билан бўлган суҳбатимиз давомида иложи бўлса уй-рўзгор ташвишларидан гап очмасликка қанчалик уринмай барибир мажбур бўлдим. Бусиз гурунгимиз ҳам қовушмаётгандек эди назарида. Эркин Комилов яқинда иккинчи марта уйланди. Турмуш ўртоғи Мавлудахон ола узоқ қариндошлари экан. Таъриф келтиришга қараганда оқила аёллар хилдан (кўз тегмаси, кўша қаришсин).

Майли, ўтаганларнинг охириати обод бўлсин! Эркин аканинг топиламас ва тенгсиз санъати ҳали ҳаётда кўп мукофотини козоми доркор. Ҳали у киши ижросида юзлаб салмоқли образлар яралишига имонимиз комил. Бугунга қадар 300 дан ортиқ турли образлар яратди. Халқ орасида «Менин Эркин акам» мукофотига сазовор бўлди. Баракали ҳамда тотув рўзгорли, ўзинга яраша тож-тахтага эга. Ешлгинда орзу қилганидек, мошнвали ҳам бўлди. Агарда ҳозир ундан бахтлимисиз ёки болалигингиздаги орзуларингизга эришдингизми деб сўрасангиз, шак-шубҳасиз кўнглингизнинг бир четига энтиктириб турган жавобини шарт-шўрт қайтаради. «Ҳаётимдан кўнглим тўки».

Эркин аканинг кино ва театр сахнасида шу бугунги даражага кўтарилишида нафақат тинимсиз меҳнати, балки беғубор болалик кечималари ҳам ўзинга хос пиллаво вазифасини ўтаган. 1960 йилнинг 1 майида Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги Кўрпа қилпоғида жойлашган кўрсаткичига унинг сел оқиниб кетган, улар бутун оиласи билан Қирғизистоннинг Уш вилоятига кўчиб боради ва шу ерда ўтроқ бўлиб яшаб қолади. Биринчи марта театрга қадам ранжиде қилган жажони Эркин унга бутунлай шўнгиб кетади. Урта мактабин тугатгач, вилоят театрига сахна ишчиси бўлиб ёлланади ва...

— У ерда мен асосан сахна кўриши ва бошқа ҳар хил майда-чуйда ишларини бажарардим. 1964 йилда бир неча актёрлар Тошкентга театр ва рассомчилик институтига келадиган бўлди. Ҳўжайинининг олдига кириб мени ҳам уларга қўшиб юборишини ўттириб сўрадим. Кимдир устимдан қулди. Кимдир сахнадаги тақир-туқуриқни қилаверсангиз, шаввоз, деган маънода гап қилди. Нихоят улар рози бўлди. 4—5 киши Тошкентга келиб тушдик. Кириш имтиҳонларига тайёргарлик бошланиб кетди. Тақдирни қарангки, мен билан бирга келган ҳалиги актёрларнинг ҳаммаси йўқиди. Битта ўзим ўқиниша кирдим. Сўнгра ҳаммамиз ўшга қайтдик. Бирга ишлайдиган ҳамкасб ижодкорлар дастлаб бунга ишонимасди. Росманасида исботлаб бераганидан сўнгра ҳайрон бўлиб, елка қиснидан нарига ўтолмагани. Бундан албатта, эс-шуили

кўнлик меҳмон сингари келиб кетди. Эркин туғилгунча 16 нафари нобуд бўлди. Аслида ўша киши қахрамон она эмасмикан! 16 фарзанди тарбиялашнинг қийинчилигига чидаш мумкиндир, аммо шунақа гўдакнинг тили, тиши чиқмасдан ажал юмга тушаётганига қандай бардош бериш мумкин! Хуллас, она, ошна-оғайинлар маслаҳати билан етим бола асраб олди. Қари билганини пари билмайди дегани ҳақиқатдан ҳам рост экан. Асранди ўғилнинг қадани кутлуг келди. Оилада ҳаёт ўз изинини топди. Тўғилган чақалоқларни тангри тириклар орасида асраб қола бошлади. Етим бола асрашга асрадо уни кейинги туғилган фарзандларга ялдиришмади. Сеvimли актёримиз ҳам яқиндагина эшитди — акаси Маъмуржоннинг асранди ўғил эканлини. Ана ҳаёт! Шу йилнинг октябр ойида Эркин ака яхши ниятлар билан Маъмуржон акасининг ўғлига қизларидан бирини узатди. Энди улар ҳам ака-ука, ҳам кудда. Энг муҳими юраклардаги бир-бирига беғоналик ҳисси бутунлай ювилиб кетди. Яхши иш бўлди.

Мақоламнинг бугунги қахрамони ҳазилин ҳам қийиб юборадиганлардан.

— Бир гап дўст, Англияга бордим. Абдулатиф деган врач билан жуда яхши чиқишиб қолдик. Гап устиде у менадан — Эркинбой, шахсий самолётлардан нечтаси бор деб, сўраса бўладими.

Турқи-туриши жиддий, гап ташлаши ҳам беҳазил. Атайин паст келаман.

Битта бор, ошна, билет олсам учиб кетаверман, ололмай қолсам қолиб кетаверман дедим. Абдулатиф кулиб қўйди. Каминга эса на кулишни, на-да куйишни эплаганди ўшанда. Чидайсизми, чидоёлмайсизми, шунақаси-да бўлиб турар экан ҳаётда, дўст.

Ҳурматли газетхон, муҳтарам театрсеваар, киносевар ошналар, гапнинг энг салмоқлисини айтганда биласиз, ушбу ўқинганларингиз ўзбек театр ва кино теграсидаги ёрқин «юлдуз»нинг ҳаёт ҳамда меҳнат машаққатларининг ўндан бирини очиб беролмайди. Шундай бўлса-да айтиб қўяй. Эркин акани кўп қатори мен ҳам... нима десам экан! У кишини ҳамма бирдай яхши кўрса дейман.

# ҲАКИМЛАРНИНГ САРАСИ

Фурқат — фавқуллода истеъдодли шахс. Бир асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, унинг назмий мероси ўзининг юксак бадиияти, теран маъно ва моҳияти билан шеърят муҳибларини ҳайратга солиб келмоқда. Унинг «Саргузашнома»си XIX аср охири, XX аср бошларидаги ўзбек насрининг юксак намунаси сифатида маълум бўлиб машҳурдир. Шунингдек, шоирнинг мавжуд дастнавислари унинг моҳир ҳатот ҳам бўлганлигидан далолат беради. Фурқатнинг журналист сифатидаги фаолияти ҳам олимларимиз томонидан эътироф этилган ва юқори баҳоланган.

Бугун Ҳиз Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат истеъдодининг яна бир қирраси, унинг зуқко ва билимдон табиб бўлганлиги ҳусусида мулоҳаза юритмоқчимиз.

УФА Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти Фурқат фондида сақланаётган ҳужжатлардан бирида шоирнинг табобатчилик бора-сидаги фаолияти ҳақида қуйидагича маълумот берилган:

«Фурқат Ерқентга қайтиб келгандин учунчи йил Ерқентнинг шаҳар ҳокими касалга гирифтор бўлиб, бутун баданини жароҳат босиб кетди. Шу чоғларда Оврупоча дўхтирхона очган эдилар. Шаҳар ҳокими уларга кўрунган бўлса-му, касали ҳеч яхшиланмади. Амбол (шаҳар ҳокими) Фурқатнинг донгини онглаб, уни ўзининг касалини даволаб қўйишга таклиф қилди. Фурқат уни симоб қўшулган дорулар билан даволади. Уч ойдин кейин амбол бутунлай соғайиб кетди. Шунга бек хушол (жуда хурсанд) бўлиб кетган амбол Фурқатга уч юз сар танга инъом қилган ва шаҳар сиртидаги ҳукумат еридан 22 гектар ер кесиб берган.

Яна бир кун Фурқат шаҳар сиртидаги боққа базма чиққонда базм қатнашиқларидан Ниёз ҳожим деган киши кучала қўшулган дору еб заҳарланиб қолғонда у одамни ўлумдин кутултирди. Ундин бошқа дўконига келган камбағал кишиларни пул олмай даволаб қўйиш ишлари кўп кўрулган».

Шунингдек, шингжонлик зиёлилардан Фирдавс Азизийнинг ёзишича, Фурқатнинг хотини Раънохон табибнинг қизи бўлгани учун унинг табобатчилик ишларига кўп ёрдамлашган. Фурқат табобатчилик соҳасидаги «Исири аъзам» («Улуғ кимё») деган китобни доимий равишда мутолаа қилиб турган.

Бундан ташқари, Ерқент вилояти халқ кўмитаси томонидан «Гулхан» журнали таҳририятига 1958 йил 18 августда йўлланган мактубдаги қуйидаги фикрлар ҳам юқоридаги мулоҳазаларимизни тасдиқлайди: «У (Фурқат) бу орада илми нуҷум (юлдаш-шунослик, астрономия) ва табобат илми билан шугулланади. У Ҳиндистонда босилган «Исири аъзам» деган китобни кўп ўқир экан. Табобатда билими ва тажрибаси бўлгач, турмушининг табибчилик билан ўтказиши. Камбағал касалларга яхши қараб, дори бериб соғайтиради. Лекин, пул олмайди. У вақтларда бу вилоятда докторхона бўлган. Докторхонада шифо топмаган баъзи оғир касаллар-

ни ҳам шоир соғайтганлиги тўғрисида халқимиз ичида ажойиб гаплар юради».

Маълумки, Фурқат Ерқентда яшаган даврида замонасининг машҳур шоири Тажалли билан танишади. Тажалли ўткир табиб ҳам эди. У араб, форс тилларини мукамал билган, ҳаттоки, бу тилларда юксак бадиий қимматга эга бўлган шеърлар ҳам ёзган. Шунингдек, у диний билимларни ҳам ниҳоят даражада пухта эгаллаганлиги маълум. Тажалли кўқонлик машҳур шоир Муҳйи билан доимий равишда хат ёзишиб турган. Муҳйининг хатларини Тажаллига Фурқат етказиб турган. Шундай мактублардан бирига Тажалли ўз қўли билан: «Бу хат «Зубдат ул — Ҳукамо» деб шухрат чиқарган кўқонлик Муҳаммад Зокиржон Фурқат воситаси билан бизга тегди. Тажалли», — деб ёзиб қўйганлиги маълум.

Юқоридаги мулоҳазалардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, улуғ шоиримиз Фурқат табобат соҳасида ҳам шухрат қозонган. Ҳаттоки, бу соҳадаги муваффақиятлари учун «Зубдат ул — Ҳукамо» (Ҳақимларнинг сараси) деган шарафли номга сазовор бўлган. Умуман, улуғ маърифатпарвар шоиримизнинг бу соҳадаги фаолияти алоҳида тадқиқотларга мавзу бўла олади деган фикрдамыз.

Нурбой АБДУЛ ҲАКИМ

## ЎЗБЕКЛАРДА АРАБИЙ ИСМЛАР

Этимология соҳасига жуда яқин ва муҳтож бўлган илм исмшунослик — аномастика саналади. Чунки биз исм сифатида фойдаланган сўзлар маълум бир тилда қандайдир маъно касб этиши мумкин. Ўзбек тилида ўзлашган сўзларнинг энг кўпи арабий алфоз бўлганидек, арабча исмлар ҳам халқимиз ўртасида ниҳоятда кенг тарқалган. Киши номларининг луғавий маъноларини билиб олишга ҳар қандай инсон ҳам қизиқса керак, деган фикрда қуйидаги бир неча асли арабча бўлган номларнинг луғавий маъноларини беришга ҳаракат қилдик.

Бутун мусулмон оламида, шу жумладан, Ўзбекистонда «абд» калимаси билан бошланадиган киши номлари кенг ёйилган ва эътиборли номлардан саналади. «Абд» сўзи арабча «ъабада», яъни бўйсунмоқ, сидқидилдан севмоқ феълдан олинган бўлиб, асосан «қул», «банда» деган маънони англатади. Масалан, Абдулфаттоҳ номини олайлик. «фаттоҳ» арабий «фатаҳа» — очмоқ, фатҳ этмоқ феълнинг «фаъол» вазнидаги шакли бўлиб, очувчи деган маънони англатади. Бу исм Оллоҳ Таолонинг сифатларидан бири ҳам ҳисобланади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳадиси шарифларига кўра, Аллоҳ сифатининг сонга тўқсон тўққизтадир. Бу сифатлар «асмо-йи ҳусно», яъни энг гўзал исмлар деб аталади. Чунки пайғамбаримиз Ҳадис-и шарифларининг бирида «энг гўзал исмлар Аллоҳникидир, зеро Аллоҳнинг ўзи гўзал» деб марҳамат қилганлар. «Асмо-йи ҳусно»дан бири бўлган «фаттоҳ» Аллоҳнинг сифати тарзида «раҳмат хазиналарини очувчи» деган маъно касб этади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Аллоҳнинг сифатлари арабча «ал» билан бошланади. «Ал-фаттоҳ», «Ал-Ҳамид», «Ар-Раҳийм» каби. Бундан ташқари, Аллоҳнинг сифатлари бўлмаган баъзи калималар олдига ҳам «абд» қўшилади, ҳамда ном тарзида кенг тарқалган. Мисол учун Абдунаби номи.

«Набий» арабча «набаъ», яъни хабар сўзидан олинган бўлиб, хабар етказувчи деган маънони англатади. «Набаъ» Куръони каримнинг ўттизинчи пораси (бу пора «амма» деб ҳам номланади) ва шу порада биринчи ўринда жойлашган 89 — сура-йи карийманинг номи ҳамдир. Набий сўзи билан ўзақдош, пайғамбарлик маъносини англатувчи «нубувват» калимаси Навоий асарлари тилида ҳам мавжуд. «Набий» сўзидagi «и» товуши араб имлосида «йо-йи маъруф» билан ифодалангани учун бир мунча чузиқ талаффуз этилиши лозим.

Демак, Абдуннабий пайғамбарнинг қули дегани. Инсон Аллоҳдан бошқага қул бўлиши мумкин бўлмаса ҳам, пайғамбаримизнинг шафратидан умидвор бўлган ҳолда бу исм қўйилади.

Абдурасул исмидаги «расул» лафзи арабча «расала» — юбормоқдан олинган. Маъноси элчи, таркий тиллардаги ялавоч сўзига тўғри келади. «Расул» асосан пайғамбар деган маънони англатади. «Расул»нинг «набий»дан фарқи шуки, пайғамбарликка Аллоҳ томонидан танланган халқни даъват этишга буюрилмаса «набий» дейилади. Маълум бир қавмни ёки бани Одамни аймонга даъват қилишга буюрилган зотлар эса «расул» бўладилар. «Расул», «набий» бўлиши мумкин, аммо «набий» «расул» бўла олмайди. Бунинг ҳикмати фақат Аллоҳга аён. Масалан, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом ҳам набий, ҳам расулдирлар.

Маълумки, ўзбек тилида янги сўз ўзакка маълум маъно англатувчи қўшимчаларни қўйиш орқали ҳосил бўлади. Лекин соий тилларга кирувчи араб тилида бундай эмас. Қўшимчалар (зондалар) ўзакнинг олдига, ўртасига, орқасига ҳам қўйиши мумкин. Шунинг учун калиманинг ўзагини аниқлаш, энг муҳими, сўзини арабча луғатлардан топишда қийналмаслик мақсадида махсус сўз ўлчови — вазн қабул қилинган. Масалан, Акбар но-

мини олайлик. Бу исм арабча «кабира» — катта, буюк бўлмоқ феълдан бўлиб, энг буюк, энг улуғ деган маънога эга. Акбар музаққар (мужской род)ни англатса, бу исмнинг муаннас (женский род)даги шакли «Кубро» бўлади. Шунинг учун пайғамбаримизнинг биринчи аёллари Ҳадича-йи Кубро деган шарафли номга муяссар бўлганлар. Анвар исми ҳам Акбар номи тарзида юзага келган. Бу исм «наара» порлоқ бўлмоқ феълдан ясалган бўлиб, энг нурли дегани ва ўт, олов мазмунидagi «нор» билан ўзақ-

дош саналади.


Исмларнинг луғавий маъносини ёритиш катта тажриба, чуқур билим талаб қилади. Биз ҳам ўз ақли қосиримиз етганича бу мавзуга қўл урдик. Албатта, юқоридаги фикрлар аён нарсага баёндыр. Бу мавзуга яна қайтаримиз, деган умидимиз бор.

Абдулла УРОЗ  
Шарқшунослик Олий  
маъҳадининг иккинчи  
курс толиби



АНА-А-А, БИЗАЙДИ ЯСИМГА ТУШИЯПТИ!

Т. РАХМАТ сурати



ларининг араб, форс, турк, ўзбек, тожик, татар, озар тилларидаги асарлари, жоҳили ва исломдан кейинги араб шоирлари, форс-тожик адабиёти классиклари Шайх Саъдий, Хожа Ҳофиз, Бедил, Абдурахмон Жомий, туркий адабиёт алломалари — Яссавий, Навоий, Бойқаро, Машрабларнинг девонлари, ҳозирги замон араб олимларининг Макка, Боғдод, Қоҳира, Дамашқ, Байрут каби шаҳарларда босилган асарлари (машҳур «ал-Мунжид», «Қомус ал-жадид», ислом қонуншунослигига оид «Фикҳ ас-сунна»лар шулар жумласидандир). Урта Осиёлик машҳур тарихчи, тил-

машҳур шарқшунослар — академик В. В. Бартолднинг 10 жилдлик тўла асарлар тўплами ва академик И. Ю. Крачковскийнинг олти жилдлик танланган асарлари мажмуаси айниқса диққатга сазовор. 1950-60 йилларда чоп этилган бу асарларнинг шарқшуносликда кадр-қиммати бебаҳо. Кутубхонада яна Санкт-Петербург, Тошкент Шарқшунослик ва Қўл-ёзмалар институтларида сақланаётган қўлёзма ва босма нодир китобларнинг микрофилмлари ва фото нусхалари ҳам бор.

— **Домла, камтарлик қилиб, дорилфунунга ҳада қилган китобларининг қиймати ҳақида ҳеч нарса де-**

нинг фахри бўлишига эриш-гулик бу китобларни пул билан баҳолаб бўларканми? — **Оилангизни Тошкентда ҳам, Наманганда ҳам ҳавас билан тилга олишади. Сизнингча оилада баҳамжиҳатлик, тотувликка эришишнинг сирини нимада!**

— Умр йўлдошим Робияхон билан салкам эллик йилдан бери бирга яшаб келяёмиз. Шу йиллар мобайнида бир-биримизга ёмон сўз демасдик, рафиқамга овозимни баланд қилмасдик, қўл югуртирмадик. Падару волидамизнинг кўнглини олдик, қайнота-қайнонамизни ҳам ота-она қаторида ҳурмат қиладик. Ҳозир шу хизматларимизни фарзандларимизга кўряпмиз. Уч қиз, икки ўғилни тарбиялаб, вояга етказдик. Уларни «у ёққа киргизаман, бу ёққа жойлайман» деб чопмадик. Ҳаётда ўз билгичларича, ўз иқтидорларига яраша ўқийди, меҳнат қилишмоқда.

Оилага ҳаром-ҳариш ара-лашмаслиги керак. Мен ҳаромдан ўзимни тийдим, фарзандларимни ҳам шу йўлга бошладим. Уйга ичкилик деган касофат кирмади. Мол-мулк, мансабга ҳавас қилмадик. Балки шулар оиламизнинг аҳиллигига, тотувлигига сабаб бўлгандир?

— **Шу хизматлар оилангизни ҳеч қачон тарк этмасин. Дурдоналарингиздан баҳра оладиган толиби илмларнинг дуоси мустажоб бўлсин!**

**А. АБДУВАЛИ** сўхбатлашди  
Наманган

## ИСМАТУЛЛОҲ ҲОЖИНИНГ ҲАДЯСИ

*Таниқли шарқшунос олим, Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат микрофоти соҳиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ Наманган давлат дорилфунунига ишга таклиф этилди ва Шарқ тиллари кафедраси мудири вазифасида ўз фаолиятини бошлаб юборди.*

*Исматулла ака Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида ўттиз уч йил муттасил хизмат қилди. Унга яқин йиррик илмий китоблари, 300 дан ортиқ тўплам, журнал ва газеталарда босилган мақолалари билан собиқ Иттифоқ ва қўшни мамлакатларда машҳур. Олим она шахрига ишга келар экан, ўзининг бой кутубхонасини дорилфунунга ҳада қилди. Вилоятда ҳозиргача бўлмаган Шарқ кутубхонасини ташкил этиб берди.*

— **Исматулла ака, кутубхонагизнинг ташкил топиш тарихи ҳақида айтиб берсангиз.**

— Ешлигимдан китобга қизиқиб, 6—7-синфдалигимдаёқ «Утган кунлар» «Сароб», «Евгений Онегин» романлари ва бошқа бир қанча китобларни ўқиб чиққанман. Дадамлар ва ҳозир 90 ёшдан ошган Озодахон аммаллар эски ёзувдаги «Ҳотам», «Ҳикмат» каби китобларни ўқиб беришарди. Бу менда умумтоз адабиётимизга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотарди. Сут сотиб, новвойлик қилиб, тирикчилик қилардик. Қўлимга озгина пул тушса, дарров китоб сотиб олардим. Урушга қадр менда лотин ва кирилл хатида ёзилган анчагина китоблар тўпланиб қолганди. Талабалик вақтида китоб йиғишни яна бошлаб юбордим, имкон борича тирикчиликдан орттириб, китоб сотиб олдим. Шарқшунослик институтига ишга келгандан кейин эса кутубхонани тўлдиршига катта имконият туғилди. Фақат собиқ Иттифоқда эмас, балки Араб давлатлари, Эрон, Афғонистон ва Фарбий Оврупо давлатларида чоп этилган шарқшуносликка оид нодир асарларни сотиб олдим ёки китоб алмаштириш орқали қўлга киритдим. Шу тақдид

қўриб турганингиз кутубхона вужудга келди.

— **Домла, бу бой кутубхонани дорилфунунга ҳада қилиб юборишингизнинг боиси нима!**

— Муҳаммад алайҳиссаломнинг шундай сўзлари бор: «Муъминнинг жони узиллиши билан ҳамма иш-амаллари ҳам узилиб, тўхтайдилар, лекин учта нарсаси қолади: солиҳ фарзандлари, бировларга фойдаси тегадиган илми ва тўхтамай давом этадиган жорий садақаси. Солиҳ фарзандларим ва озми-кўпми бировларга фойдаси тегадиган иллим қолса керак, жорий садақа, яъни масжид-мадраса солиҳи, йўл чиқариш, боғ барпо этиш каби-лар ўрнига китобларим қолса ажаб эмас, деган умид-даман. Шарқ алломалари таъкидлаганидек, икки нарсаси бир жойда турмайди: илм ва бойлик. Мен ҳаётимни тўла илмга бағишладим, бойликдан воз кечганман.

— **Китоблар билан танишиб чиқишимиз учун анча вақт керак, қолаверса соҳанинг мутахассиси бўлмаганимиз сабабли бу камёб асарлардан бебаҳрамиз. Китобларингиз ҳақида ўзингиз бироз маълумот берсангиз.**

— Китоблар Шарқ олим-

шунос олим Абу Мансур ас-Саолибийнинг тўрт жилдлик «Иътибот ат-даҳр» тазкираси (унда Урта Осиёлик арабийнавис шоирлар ҳақида илк манбалар берилган), шу олимнинг «Муҳозарат ва-т-тамсил» асари, Имом ал-Бухорийнинг тўрт жилдлик тўла Ҳадислар тўплами, Қуръони каримнинг асл нусхалари ва унга ёзилган тафсирилар (масалан, Ибн Касир ва Ҳусайн Вонз Кошифий тафсирилари) мавжуд.

Камёб асарлар орасида

**мадингиз!**

— Ўзбекистонда Фарб ва Шарқ мамлакатларига нисбатан китоб ўн баробар арзон юради. Китобларнинг хорижий баҳосини айтсам, ҳеч ким ишонмайди. Ҳозирги вақтда айтиладиган бўлсам, юқорида эслатганим «ал-Мунжид» китоби 100 минг сўм туради. «Қомус ал-жадид» китобига Чорсуда (Намангандаги китоб бозорида — муаллиф изоҳи) 60 минг сўм нарх кўйишибди. Аммо ҳар қандай кутубхона-

## МЕН СЕВГАН • ГАЗЕТА •

Ассалому алайкум «Оила ва жамият!».

Сен менинг энг яқин сирдошим, сўхбатдошимсан. Агар хонадонимизга бироз кечкиб келгудек бўлсанг, очиги, ўзимни қаерга қўйишимни билмайман. Саҳифаларингиздаги қизиқарли мақола ва лавҳаларни доимо иштиёқ билан ўқийман. Тунлари сени ёстигимнинг остига қўйиб, дардлашаман. Эсингдами, омадид юршмай дорилфунундан бошимни эгиб қайтганим. Уша кезлар саҳифаларингиздаги дилтортар мақола-ларинг билан юпатувчи эдинг. Не бахтки, сирдошим, бугун мен шодман, бахтиёрман. 3 йилдан буён ушалмаган орзуларим ушалди.

Ҳар галгидек бу йил ҳам онам мени кўзларига ёш олиб «омадингни берсин болам» дея кузатганди. Ҳужжатларимни Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факултети-га топширдим.

Тест синовларига киришдан олдин ижобий иштихон топширдик. Насиб экан, «Мен севган газета» сарлавҳали мавзу тушди. Ушбу мавзудаги ишга юрагимдаги бор орзу-армонларимни «Оила ва жамият» мисолида ёздим. Муваффақиятли топширдим. Тинимсиз ўқиб, ишда тест иштихонларини ҳам аъло даражада топшириб, дорилфунуннинг журналистика факултети сиртки бўлим толибаси бўлдим.

Мақсадимга етишимда менга яқиндан кўмакчи бўлган, маънавий оламимни ёритган севимли газетам «Оила ва жамият», сенга мактуб йўллагимдан мақсад, ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Бундан кейин ҳам хонадонимизни тарк этма, доимо шундай самимий, севимли бўлиб қол.

Гулжаҳон ЁМФИРОВА  
Бўка тумани

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон  
ЕҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ, Муҳаббат ИБДООВА,  
Юсуф ЗИЕД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир  
ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САҲОЕВ, Абсалом  
УСАНОВ, Урол ЎЗБЕК, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Аб-  
думуталлиб РИЗОҚУЛОВ, Мейли ЙУЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Мубо-  
рак туманидаги «Хитой» давлат хўжалиги, Шаҳрисабз пиллакашлик фабри-  
каси, Сирдарё «Оқ олтин» дон маҳсулотлари корхонаси.

Тахририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаро-  
лар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиз-  
дан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино.  
Телефон: 39-43-95.

Ҳалим САЙИД навбатчилик қилди.

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 33.  
Буюртма № Г-661. 21309 нусхада чоп этилди.  
Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми,  
2 босма табоқ.